

Короткова Е.А. «Устойчивость банковской системы России и ее обеспечение». Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. РФ. 2015.

Акимов М.С. «К вопросу стабильности банковской системы в условиях кризиса». Электронное периодическое научное издание «Системное управление» №2, 2018. //http://www/sisupr.mrsu.ru

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” АСОСИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

А.Д.Равшанов, и.ф.н., доцент

Қарши муҳандислик -иқтисодиёт институти

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини “яшил технологиялар” асосида ривожлантириш, табиий капитални максимал даражада тежаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали иқлим ўзгаришларига тез мослаша оладиган, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш масалалари ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги аҳоли иш билан банд бўладиган асосий соҳа ва камбағаллар учун ягона даромад манбаи ҳисобланади. “Яшил” қишлоқ хўжалиги жаҳонда камбағаллик даражасини пасайтиришда муҳим роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалигининг “яшил” усуллари қўллаш экологик деграляциялашув ва камбағаллик муаммоларини биргаликда ҳал этишга ёрдам беради.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари таркибидаги 2-мақсад “Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолни яхшилаш ва барқарор қишлоқ хўжалигини тарғиб қилиш”дан иборат бўлиб, ушбу мақсадга эришишда қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамият касб этади. Жаҳонда 815 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмайди, уларнинг аксарият қисми ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади ва улар аҳолининг 12,9 фоизини ташкил этади¹⁷¹.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон дунёда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлашга эришди ва босқичма-босқич глобал рейтингларда ўз мавқеини яхшилаб олди. Ўзбекистон Республикаси 2019 йилда Глобал очлик индекси бўйича 119 мамлакат ўртасида 49-ўринни эгаллаб, 10,7 кўрсаткич билан “мўътадил” даражага эришди¹⁷².

Ушбу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли ва 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли ҳамда 2021 йил 3 февралдаги

¹⁷¹ <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/hunger/>

¹⁷² А.В.Вахабов., Ш.Х.Хажикакиев Яшил иқтисодиёт: Дарслик. Тошкент.: “Universitet”, 2020. -262 б.

“Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сонли Фармонларида алоҳида эътибор қаратилган.

Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион фаолият қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Мазкур омилдан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш мамлакатимизда агросаноат мажмуининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ягона йўлидир. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жадаллашиб, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви кучайиб бораётган шароитда мамлакатимиз қисқа муддатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг инновацион йўлига жадал ўтишни амалга ошириши, иқтисодиётнинг ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғини замон талабларига жавоб берадиган сифат жиҳатдан янги техник-технологик асосда ривожлантириш лозим. Акс ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишдан ортда қолади ва ўзининг рақобатбардошлигини таъминлай олмайди.

Ҳозирда илмий доираларда мунозараларга сабаб бўлаётган асосий муаммо қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини ошириш эмас, балки уни қандай усуллар ёрдамида кўпайтириш муаммоси ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалигини “яшиллаштириш” ўз навбатида қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш;
- қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги технологик базасини модернизациялаш;
- агросаноат мажмуасининг инновацион ривожланишини рағбатлантириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини халқаро талаблар даражасида сертификатлаш усулларини жорий этиш;
- экологик тоза маҳсулотларнинг янги бозорларини яратиш;
- органик озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш;

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” қабул қилинди ва унда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, тармоқда давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш, аграр секторни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилди¹⁷³.

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”да белгиланган устувор йўналишлардан бири “ ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва

¹⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” ПФ-5853-сонли Фармони

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш” ҳисобланади. Ушбу стратегияда 2030 йилга қадар қишлоқ хўжалигидаги иссиқхона газ чиқиндилари миқдорини 2016 йилги даражадан 50 фоизга камайтириш, сув тежовчи технологиялар жорий этилган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари майдонини 32 фоизга, ўрмон билан қопланган майдонларни 30 фоизга кенгайтириш каби вазифалар белгиланган¹⁷⁴.

Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясига мувофиқ қишлоқ хўжалиги соҳасида 2030 йилга қадар қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган¹⁷⁵:

- ишлаб чиқариш айланишдан чиққан яйловларни тиклаш ва яйловларни барқарор бошқариш механизмларини жорий этиш;
- органик қишлоқ хўжалиги услубларини жорий этиш;
- ҳайдаладиган ер майдонлари юзасининг доимий қопланиб туришини таъминлаш мақсадида экинларни такрор экиш;
- экинлар таркибини диверсификация қилиш (кўп йиллик дарахтлар ва кўп йиллик ўтлар экилишини кенгайтириш);
- ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшилган қиймат занжирини яратиш;
- чорвачиликнинг органик чиқиндиларини тўғри сақлаш/қайта ишлаш;
- сув манбаларининг қишлоқ хўжалиги чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш;
- шўрланиш, қурғоқчилик ва бошқа хавфли ҳодисалар ва хатарларга бардошли юқори маҳсулдор чорва мол ва ўсимлик турлари (навлари)ни етиштириш, маҳаллий чорва турлари ва ўсимлик навлари генофондини, шунингдек, маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари генофондини сақлаш.

Қишлоқ хўжалигини “яшил иқтисодиёт” орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарини рақобатли устунликлари шакллантирилади, энг муҳими, мослашувчанлик ва бозордаги барча ўзгаришларга тезда жавоб бериш имкониятлари ошиб боради:

- қишлоқ хўжалиги тармоғида замонавий технологияларнинг турли вариантларини таққослаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ерга энг кам ишлов бериш;
- жорий ва инвестициявий харажатларни тежаш;
- таннархи анча паст бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва нархларнинг бир хил даражасида ҳар бир экин бўйича бир гектар ердан кўпроқ даромадлар олиш имконини беради;
- қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни ўзгартириш;
- янги ресурсни тежовчи технологияларга ўтишда корхонанинг технологик тизимида билимлардан самарали фойдаланиш;

¹⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” ПФ-5853-сонли Фармони

¹⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” ПФ-5853-сонли Фармони

➤ қишлоқ хўжалиги корхоналарида технологик ва ташкилий-иқтисодий инновацияларни жорий этишнинг жараёنли алгоритмларини ишлаб чиқиш зарур.

RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA CHIQINDI MAHSULOTLARNI QAYTA ISHLASH JARAYONLARI

*Abdullayev M.K, i.f.f.d.(PhD, dotsent
Sadinov A.Z, doktorant
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti*

Chiqindilarni yig'ish tizimini va ularni ishlatish utilizasiya va qayta ishlash xarajatlarning muhim qisimini tashkil qilish mumkin va judaham mehnat talab qiladi. Misol uchun turli xil davlatlarda (Yevropa va AQSH)da chiqindilarni yig'ish tizimlari va ularning ishlatishining utilizasiya va qayta ishlash xarajatlarining muhim qisimini tashkil qilishi mumkin va juda ko'p mehnat talab qiladi. Misol uchun turli yevropa mamlakatlarida to'rtta amaliy tadqiqotlarda uy xujaliklaridan qog'oz va qadoqlash chiqindilarning yig'ish uchun umumiy operasion xarajatlarning 40% dan 65% gacha ulishlari aniqlangan. Raqamli tashkirlashni xususan logistika vazifalarini xodimlarni va transport vositalarini tashkil qilish rejalashtirish va rejalashtirishni jo'natish jarayonini yig'ishning bir qancha jihatlari o'zgartirilmoqda.

Bu yerda raqamli vositalar barcha kerakli ma'lumotlarni saqlash qayta ishlash tahlil qilish va optimallashtirish va ularni tegishli tarzda taqdim etish orqali jarayonlarni yaxshilash imkoniyatining yaratishni taklif qiladi. Ma'lumotlarni qidirish yoki ularni kontekstga qo'yish qobiliyati jo'natuvchilarning umumiy ish faoliyatini shuningdek tegishli vazifalarining bajarilishini oshiradilar.

Yig'ish jarayonida hosil bo'lgan ma'lumotlar masalan vaqtinchalik rivojlanish yoki hodisalar tizimga qaytarish mumkin. Ushbu ma'lumotlar bilan operasiyalarni yaxshilash uchun raqamli tizimlarning yanada bir xususiyati paydo bo'ladi. Axborot va murakkablik miqdori odamlar tomonidan boshqarilmaydigan daraja kattalashgandan keyin optimallashtirish algoritmlari resurslarni masalan ishchi kuchi yoki transport vositalarini taqsimlashning eng mos variantlarini topishga yordam beradi. Muhim texnologiyalar telematik yani jumladan mashrutlash tizimlarini navigasiya va transport vositalarini kuzatish dasturlari, Yenterprise, Resrurse Planning, (YERP) tizimlari va shunga o'xshashlardir. Olingan yaxshilanishlar asosida samaradorlikni oshirishda o'z ifodasini topadi. Agar aqilli qutilar yarim avtonom chiqindilarni yig'ish vositalari uchun robototexnika yoki chiqindilarni bashorot qilish uchun sun'iy intellekt kabi ilovalarga ega (AKT) kabi kelgusi texnologiyalar ko'rib chiqilsa kelajakda chiqindilarni yig'ish jarayonini yaxshilash va uni ishlab chiqish ehtiyojlariga moslashtirish uchun katta imkoniyatlar mavjud.

O'zbekistonlik olimlardan A.N. Aripov, B.Yu. Xodiyev, A.A. Musaliyev, R.X. Alimov, S.S. G'ulomov, B.A. Begalov, A. Abdugaffarov, B. Berkinov, N. Maxmudov, R.A. Dadabayeva, D.M. Rasulev, A.T. Kenjabayev, A.M. Abduvoxidov, I. Ye.